



## HAYOT DAVOMIDA TA'LIM Olish: YANGI PARADIGMALAR VA KUTILADIGAN NATIJALAR

### FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

**Хайдаров Шоҳқадам Мамаюсупович,**

**Суюнова Гулчехра Холмаматовна**

*Жиззах вилоят ХТХҚТМО ҳудудий маркази доценти, ф.ф.н.  
Жиззах политехника институти Инглиз тили фани ўқитувчиси*

## МАТН ТАҲЛИЛИДА СУПЕРСИНТАКТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

### *Аннотация*

*Ушбу мақолада матн таҳлили, бадий матн, унини ташкил этишида лингвопоэтик бирликлар саналмиш синтактик фигуралар, суперсинтактик бирликларнинг қўлланилиши, макроматн ва микроматн ҳақида айрим мулоҳазалар хусусида сўз юритилади.*

***Калит сўзлар:** матн, микроматн, макроматн, лингвопоэтика, суперсинтактик бутунлик, матн синтаксиси*

Бадий матн турли қисмлардан ташкил топган бутунлик эканлиги тадқиқотларда кўп таъкидланади. Демакки, бу бутунлик яхлит, парчаларга ажралмайдиган, монолит бутунлик эмас. Бадий матн ҳақида гап кетганда, аввало, уни ташкил этган қисмларнинг ўзаро боғланиши, алоқаланиш тарзи тилга олинмиши бежиз эмас. Адабиётшунос Д.Қуронон бундай алоқадорлик ҳақида қуйидаги фикрни билдиради: “Қисмлар орасидаги алоқа шу қадар муҳимки, бу алоқаларнинг етарлича анланмаслиги асарни чала, ўз моҳиятидан ўзгача тушунишга олиб келиши мумкин. Бутунга киритилаётган қисм бутун талабига мос ҳолда киритилади, демак, қисмлар орқали бутун тушунилади, қисмнинг моҳияти бутун таркибидагина намоён бўлади. Демак, бадий асарни ўқийётган одам, биринчидан, асардаги ҳар бир қисмни бошқа қисмлар билан алоқада, иккинчидан, асарни бутун ҳолича тасаввур эта билмоғи лозим”.<sup>1</sup> Бадий

<sup>1</sup> Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish – Toshkent: Fan, 2007. – B. 83.



матнни шакллантирувчи ана шундай ниҳоятда муҳим қисмлардан бири микроматн деб аталувчи бутунликлар ҳисобланади.

Матн синтаксисига алоқадор тадқиқотларнинг аксариятида микроматн ҳақида, унинг таркибланиши, синтактик белгилари ҳақида у ёки бу тарзда фикр билдирилган. Масалан, М.Йўлдошев бу ҳақда тўхталар экан, ўзбек тилшунослигида бадий матндаги микроматн муаммосининг ўртага ташланиши М.Тўхсонов номи билан боғлиқлигини айтади: “М.Тўхсонов ўзининг номзодлик диссертациясида макроматн ва микроматнни фарқлаган ҳолда ўзбек тилидаги микроматн таркибидаги унсурларни боғловчи воситалар системасини тадқиқ этган. Аммо таъкидлаш лозимки, гарчи тадқиқотчи ўз олдида бадий нутқдаги микроматнни ўрганишни мақсад қилиб қўйган бўлса-да, ишда микроматннинг когерентлиги умумий тарзда текширилган, яъни айнан бадий нутқдаги матннинг бу борадаги ўзига хослиги билан боғлиқ жиҳатларга эътибор қаратилган эмас. Лекин шунга қарамасдан, бу иш ўзбек тилшунослигидаги микроматн ва унинг когезиясини монографик аспектда ўрганишга бағишланган дастлабки тадқиқотлардан эканлиги билан диққатга сазовордир”. М.Йўлдошев мазкур терминларнинг қўлланилиши билан боғлиқ чалкашликлар ҳақида ҳам фикр билдиргач, тегишли адабиётларда суперсинтактик бирликка нисбатан микроматн, яхлит матн – муайян бир асарга нисбатан эса макроматн ишлатилишини қайд этади. Макроматн терминининг бутун нутқий асарга, унинг энг кичик қисмига нисбатан эса микроматн терминини қўллаш лозимлигини таъкидлайди. Шунингдек, у айни муаммо ҳақидаги фикрларини ривожлантириб, “макроматн ва микроматн тушунчалари матн типлари сифатида қаралмаслиги мақсадга мувофиқ, чунки улар бутун – қисм муносабатидадир. Масалан, А.Қаҳҳорнинг “Бемор” ҳикояси макроматн, ундаги суперсинтактик бирликлар эса микроматндир” тарзидаги мулоҳазани билдиради.<sup>2</sup>

Матн тилшунослиги муаммолари билан боғлиқ ишларда микроматннинг энг характерли белгиларидан бири сифатида уни ташкил этувчи қисмлар ўртасидаги боғланишнинг ниҳоятда зич бўлиши айтиб ўтилади. Микроматннинг шаклланиш тарзини ўрганишда, биринчи навбатда, уни ташкил этувчи бирликларни ажратиб олиш зарур бўлади. Гапнинг микроматн учун ҳам, макроматн учун ҳам дастлабки шакллантирувчи бирлик сифатида қатнашиши деярли барча тилшунослар томонидан тан олинади. Шунинг учун микроматннинг структурал асосини содда, қўшма ва мураккаб гап шакллари ташкил этади, дейиш мумкин.

Макроматнда эса гапдан ташқари янада каттароқ бўлган суперсинтактик бутунликлар ҳам иштирок этади. Микроматнни ташкил этувчи гаплар функционал жиҳатдан когезия, кетма-кетлик, чегараланганлик, структурал бутунлик белгисига эгалик, бўлинувчанлик, эргашиш, тугалланганлик каби белгиларни ўзида акс эттирган бўлиши лозим. Ифода шаклига кўра оғзаки ва ёзма; ифода мақсадига кўра дарак, сўроқ, буйруқ ва ундов; мазмуний муносабатларига кўра эса изох, тўлдириш, аниқлаш, сабаб-натижа, қиёс,

<sup>2</sup> Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси – Тошкент: Фан, 2008. – Б.84-85.



Ўхшатиш, зидлаш каби маъноларни ифодалайди. Микроматнни бир неча гапнинг ўзаро санаб ўтилган белгилар асосидаги яхлитлашуви тарзида тушунадиган бўлсак, унинг бош мақсади коммуникацияга хизмат қилиши эканлиги аён бўлади. Шунга кўра микроматнга қуйидагича таъриф бериш мумкин: боғланишлилик асосида оғзаки ёки ёзма шаклда юзага келадиган, кичик ҳажмли коммуникатив бутунлик микроматн дейилади. Бундай матн тури бир неча (содда, қўшма, мураккаб) гап иштирокида тузилган бўлиши мумкин. Ёки бир гапнинг бир неча коммуникатив бирликка бўлакланиши асосида шаклланиши мумкин. Бадиий матнда парцелляция асосида таркибланган микроматнлар алоҳида аҳамият касб этади.

Мана бу парчага эътибор берайлик: *Нега қолди у? Кетмоқчи эди ахир, кетмоқчи! Кетиши керак эди, кетиши! Бутунлай! Тўйиб бўлган эди! Баридан!* (Э.Аъзам, “Жавоб” қиссаси). Ажратиб кўрсатилган қисм, яъни учта парцеллят бир микроматнни ташкил этади. Бу ўринда гап бўлаги шаклидаги *Бутунлай* парцелляти кирадиган асосий гап *Кетиши керак эди* бўлса, гап бўлаги шаклидаги *Баридан* парцелляти кирадиган асосий гап *Тўйиб бўлган эди* гапидир. Айни *Тўйиб бўлган эди* гапи бир пайтнинг ўзида гап шаклидаги парцеллят ҳамдир. Аммо мазкур уч парцеллят мазмунан ва, албатта, ўзига хос грамматик боғланишларга кўра бир микроматнни ташкил қилади ва бутунисича базавий гап – *Кетиши керак эди* билан алоқаланади. Шунга асосан уни микроматн шаклидаги парцеллят сифатида талқин этиш мумкин.

Қуйидаги мисоллар ҳам айтилганларни далиллайди: *Уйлантирмоқчимисиз? Уйлантиринг! Мана, мен тайёрман! Мунирани олиб беринг, Ҳайдар амакимнинг қизини. Қўлингиздан келса!* (Э.Аъзам, “Жавоб” қиссаси). *Йўқ, бошқа гувоҳ ҳам бор экан. Оёқ остидан чиқиб қолди у. Жикилдоқ Шоҳида. Синглиси. Чақимчи!* (Э.Аъзам, “Байрамдан бошқа кунлар” қиссаси). – *Бултур пошша бувим менга туфли олиб берувдилар. Тузилганимда. – Қизча ўйланиб қолди. – Кейин-чи, Баҳога уч оёқли велосипед. Бахтига кўйлак...* (Ў.Ҳошимов, “Дунёнинг ишлари” қиссаси).

Бундай ҳолатларни М.О.Ступкина “парцеллятлар занжири” деб номлайди. Унинг фикрича, базавий қисмдан муайян кетма-кетликда бўлакланган ва бир-биридан финал тиниш белгилари билан ажратилган сегментлар парцеллятлар занжирини ташкил қилади.<sup>3</sup> Бундай талқин ҳам маълум маънода тўғри бўлиши мумкин, аммо бу парцеллятларнинг асосий – базавий гап билан алоқаланишидаги ўзига хослик ва уларнинг мазмуний-грамматик жиҳатдан яхлитланиши инобатга олинса, микроматн шаклидаги парцеллят сифатида баҳолаш янада мақсадга мувофиқлиги кўринади.

Парцеллятлар бирдан ортиқ бўлганда синтактик структура мураккаблашади, умумий интонация ҳам “парчаланadi”. Семантик марказ ҳам шунга мувофиқ кенгайиб боради, парцеллятлар миқдори билан тенглашади. Ҳар бир коммуникатив бирлик - парцеллят алоҳида мустақил оҳанг билан айтилади. Масалан: *Сиз газетачиликдан беҳабарсиз... Рубрика деган нарса*

<sup>3</sup> Ступкина М.О. Парцелляция в современном болгарском языке (на материале художественной прозы): Дисс. ...канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2008. – С. 128



*бўларкан. У сарлавҳа дегани. Умумий сарлавҳа* (Ш.Холмирзаев, “Жарга учган одам” ҳикояси). Ушбу конструкцияда тўртта компонент иштирок этган. Биринчи гапдаги мазмун парцеллят сифатида келган уч қисм орқали мураккаблашган. Учинчи парцеллят микроматннинг сўнгги компоненти ҳисобланади. Бундан кейинги гаплар мазкур микроматнда ифодаланган фикрий бутунлик билан зич алоқани ташкил этмайди. Қуйидаги мисолда ҳам микроматннинг чегарасини парцеллят белгилаган: *Ота касалхона йўлагиди тўлғоқ тутган аёлдек юрипти. Олти яшар ўгли операция хонасида, столда. Оёқ-қўли стол қанотларига чандиб боғланган. Кўричаги тутган. Учинчи тутиши. Ҳамишра бўзариб, боланинг оёқ томонида турибди. Навбатчи врач ўткир пичогини олиб, боланинг қорни устига энгашади* (Ш.Холмирзаев, “Бир гузар одамлари” ҳикояси). Келтирилган мисолда еттита компонент иштирок этган. Охирги икки компонент семантик жиҳатдан янги микроматннинг қисмлари доирасига киради. Отанинг касалхона йўлагиди тўлғоқ тутган аёлдек юриши тўртта парцеллят орқали аниқ ифодаланган. Ундан кейинги гаплар эса катта контекстдаги умумий воқеа мазмуни билан боғлиқ. Лекин юқорида қайд этилган микроматндаги отанинг аҳволи тасвири билан зич боғланмайди.

Мутахассисларнинг фикрича, “парцеллят моҳияти жиҳатидан гапнинг эмас, балки боғли нутқнинг (катта контекстнинг) алоҳида ҳалқаси сифатида номоён бўлади – махсус тузилмавий мазмуннинг қисми ҳисобланади. Матннинг семантик-синтактик ва ритмо-мелодик қурилишини белгилашда, ўзгартиришда иштирок этади”.<sup>4</sup>

Тилшунос М.Тўхсонов микроматн таркибига кирувчи компонентларнинг мустақил бутунлик бўла олмаслигини, шу билан бирга тузилиши жиҳатидан ҳам тугалланган бўлмаслигини айтади. Шунга кўра, “улар турли воситалар ёрдамида боғланиб, шаклан бир бутунликни ҳосил қилади. Шаклан тугал бўлмаган гаплар микротекстнинг турли қисмида жойлашганидан ўзаро икки томонлама анафорик ва катафорик алоқага киради. Биринчи ҳолда микротекстнинг ўртаси ёки охиридаги гап(лар) шаклан тугал бўлмайди, иккинчи ҳолда эса микротекстнинг ўртаси ёки бошидаги гап(лар) зоҳиран нотугал бўлади. Анафорик алоқа ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг тарқалган бўлиб, атоқли ва турдош отлар, синоним, антоним сўзлар, олмош, сон, боғловчи, шахс, замон, эгалик формалари, сўз тартиби, интонация, феълнинг функционал формалари ва ҳоказолар орқали ифодаланади. Катафорик алоқа кам учрайди. Уни ифодаловчи воситаларга асосан ноаниқ миқдорни кўрсатувчи сўзлар, келишиқ формаси ҳамда сўз тартиби киради”.<sup>5</sup> Микроматн таркибидаги компонентлар миқдорига кўра турлича бўлади. Микроматн икки ёки ундан ортиқ парцеллят-компонентлардан таркиб топиши мумкин. Қуйидаги мисоллар фикримизни далиллайди: *Менга ҳозир автобус керак. Самарқандга борадиган.*

<sup>4</sup> Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек тили. Синтаксис. Синтактик ва синтагматик қайта бўлиниш. Парцелляция. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Zar qalam, 2004.. – Б. 94

<sup>5</sup> Тўхсонов М. Микротекст ва унинг коммуникатив яхлитлиги ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1995. - №5. – Б. 67.



*Тўйга!* (Э.Аъзам, “Байрамдан бошқа кунлар” қиссаси). – *Кечаси билан ухламай чиқишимиз ҳам зарар. Машинада эзилиб, бу ерга келишимиз ҳам зарар. Албатта, ичишимиз ҳам...* (Ш.Холмирзаев, “Оғир тош кўчса” ҳикояси). *Биласиз-ку, унинг минг бир суюги синган. Қабиргалари дабдала бўлган, жағлариям. Турмада...* (Ш.Холмирзаев, “Ўзбек бобо” ҳикояси). – *Мен узр сўрайман сизлардан, – деди. – Сендан, хотин. Сиздан, Эртўйжон. Овора қилдим* (Ш.Холмирзаев, “Наврўз, наврўз” ҳикояси).

Хулоса қилиб айтганда, бадий матнда парцелляция асосида таркибланган микроматнлар алоҳида аҳамият касб этади. Парцеллятлар бирдан ортиқ бўлганда синтактик структура мураккаблашади, умумий интонация ҳам “парчаланаяди”. Семантик марказ ҳам шунга мувофиқ кенгайиб боради, парцеллятлар миқдори билан тенглашади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish – Toshkent: Fan, 2007.
2. Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси – Тошкент: Фан, 2008. - 160 б
3. Ступкина М.О. Парцелляция в современном болгарском языке (на материале художественной прозы): Дисс. ...канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2008.
4. Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек тили. Синтаксис. Синтактик ва синтагматик қайта бўлиниш. Парцелляция. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Zar qalam, 2004.